



O'zbekiston Respublikasi Sirdaryo viloyati hokimi

Q A R O R

“4” март 2015 йил

№ 71

Гулистон ш.

Вилоят ҳокимининг 2015 йил 9 январдаги “Вилоятдаги ичимлик сув таъминотини янада яхшилаш ишларини ташкил этиш, ичимлик суви корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва бу борада раҳбар ва мутахассисларнинг жавобгарлик маъсулиятини янада ошириш тўғрисида”ги 13-сонли қарорига қисман ўзгартириш киритиш ва қонуности ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштириш тўғрисида

Сирдарё вилояти прокуратурасининг 2015 йил 16 февралдаги 10/14-14-сонли протестини кўриб чиқиб, ҳамда вилоят ҳокимининг 2015 йил 9 январдаги “Вилоятдаги ичимлик сув таъминотини янада яхшилаш ишларини ташкил этиш, ичимлик суви корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва бу борада раҳбар ва мутахассисларнинг жавобгарлик маъсулиятини янада ошириш тўғрисида”ги 13-сонли қарорининг 13-банди 3-хатбошини бекор қилиш ва қонуности ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6- ва 29-моддаларига асосланиб, **қарор қиламан:**

1. Сирдарё вилояти прокуратурасининг 2015 йил 9 февралдаги 10/14-14-сонли протести ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг 2015 йил 9 январдаги “Вилоятдаги ичимлик сув таъминотини янада яхшилаш ишларини ташкил этиш, ичимлик суви корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва бу борада раҳбар ва мутахассисларнинг жавобгарлик маъсулиятини янада ошириш тўғрисида”ги 13-сонли қарори 13-бандининг 3-хатбоши бекор қилинсин.

Қарорнинг 3-хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2001 йил 15 майда №1031-сон билан рўйхадан ўтган “Ташкилотлар ва муассасалар томонидан ўз ходимларидан коммунал хизматлар учун ҳақни иш ҳақидан ушлаб қолиш кўринишида қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомининг 2 ва 3-бандлари талабларига мувофиқ фойдаланилган ичимлик суви учун бюджет ташкилотларида ишловчи ишчи ходимларнинг шахсий аризаларига асосан

иш хакидан хар ойда 25,0 минг сўмдан ушланмалар кўринишида тўловларни қабул қилиш тизимини жорий этиш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Б.Бўронов ва Ғ.Сулеймановлар зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

О.Ашурматов